

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

589 Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 23 апрелдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 2788, 2016 йил 18 май) (Ўзбе-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 227-модда) билан тасдиқланган Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга кирилади.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 10 декабрь,
39/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил
10 декабрдаги 39/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 23-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«лицензияловчи органнинг лицензиат фаолиятида аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича кўрсатмалари лицензиат томонидан бажарилмаганда.».

2. 26-бандда
учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишлича учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Илова 2-бандининг учинчи хатбошисидаги «ахборотни ташкил қилиш» деган сўзлар «ахборотни шакллантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.